

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****76 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2011 йил 24 октябрдаги ПҚ–1630-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 21 февраль,  
ПФ–4423-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 21 февралдаги  
ПФ–4423-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
фармонларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 4 апрелдаги ПФ–3592-сон Фармони 4-илловасининг ўн иккинчи хатбошидаги «иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва» сўзлари «таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармони иловасининг ўн бешинчи хатбошидаги «иқтисодиётдаги таркибий ўзгар-

тиришлар ва» сўзлари «таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони 2-иловасининг ўн еттинчи хатбошидаги «иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва» сўзлари «таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва» сўзлари билан алмаштирилсин.